

**Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни
таъминлаш, қор кўчиши ва ер кўчкиси ҳодисалари хавфини камайтириш
бўйича Наманган вилоят ҳудудий комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | | | |
|----|----------------|---|--|
| 1. | Ш.Абдуразаков | - | Вилоят ҳокими, <i>комиссия раиси</i> |
| 2. | Ғ. Джамалов | - | Вилоят ҳокимининг ўринбосари, <i>комиссия раиси ўринбосари</i> |
| 3. | Б. Эгамназаров | - | Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, <i>комиссия раиси ўринбосари</i> |

Комиссия аъзолари:

- | | | | |
|-----|---------------|---|--|
| 4. | Ш.Алиев | - | Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи |
| 5. | Х.Маматов | - | Миллий гвардия вилоят бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Б.Ташев | - | Вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи |
| 7. | Ж.Умаров | - | “Норин-Сирдарё” ИТХБ бошлиғи |
| 8. | А.Иминов | - | Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи |
| 9. | З.Бахриддинов | - | Вилоят Иқтисодиёт ва Молия бош бошқармаси бошлиғи |
| 10. | Д.Мирханов | - | Вилоят Қурилиш ва Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи |
| 11. | И.Икрамов | - | Ўзбекистон Маҳалла уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи |
| 12. | А.Жалилов | - | Вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи |
| 13. | М. Нишонов | - | Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати бошлиғи (<i>келишувга асосан</i>) |
| 14. | А.Қорабаев | - | “Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ директори |
| 15. | И. Ширанов | - | Вилоят “Наманган сув таъминот” МЧЖ директори |
| 16. | И.Мамажанов | - | Ҳудудгаз Наманган ГТФ раҳбари |
| 17. | А.Хожиев | - | “Сувхўжаликназорат” инспекцияси Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи |
| 18. | М.Мутавалиев | - | Вилоят Гидрометеорология бошқармаси бошлиғи |
| 19. | Р.Холматов | - | Рақамли технологиялар вазирлиги вилоят ҳудудий шўъбаси раҳбари |
| 20. | М.Боқиев | - | “Ўзбектелеком” АК вилоят филиали директори в.в.б. |
| 21. | С.Турғунов | - | Вилоят Транспорт бошқармаси бошлиғи |

- | | | |
|----------------------------|---|--|
| 22. О. Хожиев | - | “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи”
ДУК раҳбари |
| 23. Б.Нурматов | - | Вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош
бошқармаси бошлиғи |
| 24. Х.Мухситдинов | - | “Тўрақўрғоннефтбаза” МЧЖ директори |
| 25. <i>Лавозими бўйича</i> | - | Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари |
| 26. Б.Раджапов | - | Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси
бошлиғининг ўринбосари, <i>комиссия котиби</i> |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш вазифаси юклатилган шахслар киритилади.

**Наманган вилоятида аҳоли ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик
ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда
вазиятлардан муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом рўй бериши мумкин бўлган хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнларни барвақт аниқлаш, Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиши ва ер кўчкиси ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича Наманган вилоят ҳудудий комиссияси (кейинги ўринларда - Тошқинга қарши ҳудудий комиссияси) ҳамда Наманган шаҳар ва туманлар ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини ташкил этиш, аҳолини ва ҳудудларни улар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

2. Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси қарорлари, шунингдек, мазкур Низомга мувофиқ ташкил этилади.

3. Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссияси томонидан мувофиқлаштирилади.

4. Тошқинга қарши ҳудудий комиссиясининг ваколати доирасидаги масалаларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ топшириқ ва вазифалари барча идоралар ҳамда ташкилий- ҳуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар бошқа ташкилотлар, Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари (кейинги ўринларда – ташкилот ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар), шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши шарт.

5. Жойларда аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳамда геологик ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларининг ташкил этилиши ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликларида Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор кўчиши ва ер кўчкиси ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда - тошқинга қарши ҳудудий комиссиялар) тузилади.

2-боб. Тошқинга қарши Наманган вилоят ҳудудий комиссияси ҳамда Тошқинга қарши шаҳар ва туманлар ҳудудий комиссияларнинг

фаолиятини ташкил этиш.

6. Наманган вилоят ҳокими Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссиясига раислик қилади.

7. Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссиясининг ишчи органи (кейинги ўринларда-ишчи орган) ҳисобланади.

Ишчи орган:

Тошқинга қарши ҳудудий комиссиясининг йиғилишлари кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлайди, йиғилиш баёнини юритади ва расмийлаштиради;

Тошқинга қарши ҳудудий комиссияси аъзоларига йиғилиш ўтказиладиган сана ва жой тўғрисида хабар беради;

Тошқинга қарши ҳудудий комиссиясининг йиғилиш баёнларидаги топшириқлар ижро этилишини таҳлил қилади, мавжуд муаммоларнинг ечимлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва уларнинг Тошқинга қарши ҳудудий комиссияси томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилишини ташкил этади.

8. Тошқинга қарши ҳудудий комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда, унинг раиси томонидан тасдиқланадиган йиғилиш баёнига ва чора-тадбирлар режасига мувофиқ амалга оширади.

9. Тошқинга қарши ҳудудий комиссиясининг йиғилишлари, заруратга кўра, бироқ йилига камида бир марта ушбу Низомда белгиланган муддатда ўтказилади ва унинг қарорлари йиғилиш баёнлари билан расмийлаштирилади.

10. Тошқинга қарши шаҳар ва туманлар ҳудудий комиссияларга раҳбарлик қилади.

11. Тошқинга қарши шаҳар ва туманлар ҳудудий комиссиялар ўз фаолиятини аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ишларни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги тегишли ҳудуднинг низоми ҳамда Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссияси томонидан белгиланган асосий тадбирларга мувофиқ ташкил этади.

12. Зарур ҳолларда, мазкур Низомда назарда тутилган ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссияси ва Тошқинга қарши шаҳар ва туманлар ҳудудий комиссиялар бошқармалар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳларни тузади.

3-боб. Рўй бериши мумкин бўлган хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнларни барвақт аниқлаш

13. Гидрометеорология вилоят бошқармаси, тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда:

доимий равишда вилоят ҳудудларида хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнларнинг мониторингини олиб боради ва натижаларини ҳар ой якунида, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи туғилганда ёки рўй берганда зудлик билан ишчи органга тақдим этади;

ҳар йили алоҳида режага асосан Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Сув ҳўжалиги вазирлигининг вилоятдаги ташкилотлари билан биргаликда тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги йиғилган қор хажмларини, сел ва кўчки хавфи мавжуд участкаларни аниқлаш, юқори тоғ тизимларидаги кўллар ҳолатини, шунингдек, ушбу ҳудудларда гидрометеорологик вазиятларни ва геологик жараёнлар ривожланишини тизимли равишда кузатиш ва баҳолаш бўйича аэровизуал ўрганишларни амалга оширади. Аэровизуал ўрганишлар, заруратга кўра, учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида ва сунъий йулдош маълумотларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади;

ҳар йили ёзги меҳнат ва мактаб таътиллари бошланишидан олдин тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, санаторийлар, дам олиш уйлари, сайёҳлик базалари ва пансионатлар жойлашган ҳудудларнинг гидрологик ва муҳандислик-геологик ҳолатини ўрганиб чиқади ва натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномаларни ишчи органга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали тақдим қилади.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Ички ишлар бошқармаси, гидрометеорология бошқармаси билан биргаликда, заруратга кўра, ҳудудлардаги ҳолатни мониторинг қилиш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши тўғрисида ўз вақтида огоҳлантириш мақсадида техник воситалар ва барқарор алоқа билан таъминланган вақтинча кузатув постларини ташкил этади ва уларнинг фаолиятини таъминлайди.

3-боб. Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тартиби

14. Вилоят гидрометеорология бошқармаси ҳар йили 20 февралга қадар Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссиясига, унинг ишчи органига ва Тошқинга қарши шаҳар ва туманлар ҳудудий комиссияларга хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнлар фаоллашиши мумкин бўлган ҳудудлар, ушбу ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари ва объектлар, аҳолиси вақтинча кўчирилиши ёки хавфли ҳудудлардан хавфсиз ҳудудларга доимий кўчирилиши лозим бўлган ҳўжаликлар рўйхати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш мақсадида муҳандислик-техник ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни тақдим этади.

15. Ишчи орган ҳар йили 1 мартга қадар идоралар, ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда тақдим этилган маълумотларга асосан тегишли йил учун аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссиясига кўриб чиқиш учун киритади.

16. Тошқинга қарши ҳудудий комиссияси ҳар йили 5 мартга қадар тегишли йилда аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар

ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни тасдиқлайди.

17. Бошқармалар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳар йили 10 мартга қадар ўз тизимидаги объектларни тошқинлар, сел оқимлари ва кўчки ҳодисаларидан муҳофаза қилиш борасида тегишли йил учун чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу дастурларда белгиланган тадбирларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини таъминлайди.

18. Тошқинга қарши ҳудудий комиссиялар ҳар йили 10 мартга қадар Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси йиғилишининг баёнидаги топшириқлар ижросини жойларда ташкил этиш мақсадида тегишли ҳудуд учун зарур чора-тадбирларни белгилайди.

19. Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссиясининг йиғилиши баёнига асосан тегишли идоралар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлар томонидан ўз зиммасига юкланган вазифаларни белгиланган муддатларда бажарилиши таъминланади.

20. Вилоят гидрометеорология бошқармаси Хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати билан ҳамкорликда:

тегишли идоралар ва бошқа ташкилотлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига мониторинг давомида тасарруфидаги объектларга хавф солувчи гидрометеорологик ва геологик жараёнлардан муҳофаза қилиш бўйича муҳандислик-техник ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан тақдимномалар киритади ҳамда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси билан биргаликда ушбу тақдимномаларнинг бажарилишини назорат қилади;

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, идоралар, ҳокимликлар билан ҳамкорликда аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мақсадида кузатувлар асосида хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнлар (сел, тошқин, кор кўчкиси, кўчки хавфи ва бошқалар) рўй бериши хавфи мавжуд ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари, техник объектлар, аҳолиси вақтинча кўчириладиган ёки хавфли ҳудудлардан доимий кўчирилиши лозим бўлган хўжаликлар бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан далолатномалар расмийлаштиради;

зарур ҳолларда, ўрганилган объектлар фаолиятини вақтинча тўхтатиш ёки тегишли ҳимоя тадбирларини амалга ошириш бўйича ушбу объектлар раҳбарларига ёзма тақдимномалар киритади.

21 Вилоят ҳокимлиги, Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

тегишли идоралар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда хавфли участкаларни аниқлаш учун сел ва тошқинлар мавсумидан олдин гидротехник иншоотлар, кўприклар, қирғоқлар, дарёлар ва сойлар ўзанлари ҳолатини ўрганади, баҳор-ёз мавсумида тошқин сувларини беталафот ўтказиб юбориш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган ҳимоя тадбирлари ва авария-тиклаш ишлари олиб борилишини таъминлайди;

дарё, канал ва сойларнинг сув ўтказиш қobiliяти пасайишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ноқонуний қурилишларга, дарё ўзанларида норуда материаллар ноқонуний қазиб олинишига ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга оширишга йўл қўймайди;

хавфли зоналар мавжуд ҳудудларда хавфли гидрометеорологик ва геологик ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларга қарши ўз вақтида чоралар кўриш, шунингдек, аҳолини ва ҳудудларни улардан муҳофаза қилиш ишларига тезкор раҳбарликни ташкил этиш учун жойларда туман (шаҳар)лар штабларини ташкил этади, уларни транспорт воситалари, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ва алоқа воситалари билан таъминлайди;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзгидромет ҳамда Давлат геология қўмитаси тақдимномаларига асосан сел, тошқин, қор кўчки ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларда жойлашган, кўчирилиши лозим бўлган хўжаликлар аҳолисини хавфсиз жойларга вақтинча кўчириш ва заруратга кўра босқичма-босқич доимий кўчириш бўйича комплекс чораларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Хавфсиз ҳудудларга кўчирилган аҳолининг етарли даражада ҳаёт кечириши ҳамда фаолиятини ташкил этади ва тегишли тарғибот ишларини амалга оширади;

идоралар, ҳокимликлар тегишли дарё ва сойлар қирғоқларини мустаҳкамлаш ва бошқа муҳофаза ишларини амалга оширади, уларни амалга ошириш учун харажатларни аниқ ҳисоб-китоблар асосида маҳаллий бюджетнинг заҳира маблағлари ҳисобидан молиялаштиради;

жисмоний ва юридик шахсларга тоғ ва тоғолди ҳудудлардан турар ва нотурар жой биноларини қуриш учун ер участкаларини ажратишда Давлат геология қўмитаси ва Ўзгидрометнинг ҳудудий бўлинмаларидан ушбу ер участкалари хавфли геологик жараёнлар ва гидрометеорологик ҳодисалар юзага келиши мумкин бўлган ҳудудга тушган ёки тушмаганлиги юзасидан тегишли ҳулосалар олинишини таъминлайди.

22. “Норин Сирдарё” ИТХБ тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда:

сув омборлари, гидротехника иншоотлари ва ирригация тизимларининг хавфсиз, ишончли ишлашини, шунингдек, тошқин сувлари ва сел оқимларини беталафот ўтказиб юборишини таъминлайди;

сув омборлари, бошқа гидротехника иншоотларида юзага келиши мумкин бўлган авариявий ҳолатлар ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун моддий-техник воситалар ва технологик ускуналар эҳтиёт қисмлари заҳираларини яратади;

сел оқимлари ва тошқинлар мавсумида барча сув омборлари, йирик ва муҳим аҳамиятга эга бошқа гидротехника иншоотларида раҳбарлар таркиби ва мутахассисларнинг кечаю кундуз навбатчилигини ташкил этади.

23. “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси вилоят бўлими:

ҳар йили январь-апрель ойларида тошқинлар мавсумидан олдин назорат остидаги гидротехника иншоотлари (сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектлари)нинг сел оқимлари ва тошқин сувларини беталафот ўтказиб юборишга тайёргарлик ҳолати текширувдан ўтказилишини таъминлайди;

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда ўзани сув омборлари ҳолатини ўрганади ҳамда уларда сел ва тошқин сувларини беталафот қабул қилиш ҳамда ўтказиб юборишга доимий тайёргарлигини кафолатлайдиган иш режимлари таъминланганлигини назорат

қилади.

24. Вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси:

қор кўчкиси, сел оқимлари, сув тошқини ва ер кўчки хавфи мавжуд даврларда бошқарма ҳамда ҳудудий бўлимларнинг кидирув-кутқарув тузилмалари ва тезкор гуруҳлари шахсий таркиби кучайтирилган иш режимига ўтказилиб, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфи туғилганда ёки рўй берганда, белгиланган вазифаларни бажаришга уларнинг доимий шайлигини таъминлайди;

хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятларни кузатиб боради, маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади ҳамда фавқулодда вазиятлар хавфига қарши самарали курашиш ҳамда улар юзага келганда оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича зарур чоралар тўғрисида Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссиясига ўз вақтида таклифлар киритади;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят бошқармаси билан биргаликда алоқа ва хабар бериш тизимларининг барқарор фаолият кўрсатишини, тегишли идоралар ва бошқа ташкилотлар, Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликларига ҳамда аҳолига фавқулодда вазиятлар хавфи тўғрисидаги маълумотлар ва ахборотлар ўз вақтида етказилишини ва тақдим этилишини таъминлайди;

баҳор-ёз мавсумида тегишли кўникмаларни ривожлантириш ва зарур ҳимоя ишларини амалда бажариш учун қор кўчиши, сел оқимлари, сув тошқини ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларда амалий махсус-тактик ўқув машқларини ўтказди;

Ўзгидромет маълумотлари асосида ва гидрометеорологик вазиятдан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларини дўлли ҳодисалардан муҳофаза қилиш учун гидрометеорологик жараёнларга таъсир қилиш ва бошқаришни таъминлайди;

Тошқинга қарши вилоят ҳудудий комиссияси қарорлари ижросини самарали мувофиқлаштиради ва назорат қилади, шунингдек, унинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлайди.

25. Вилоят Ички ишлар бошқармаси:

баҳор-ёз мавсумида йўлларда ва транспорт инфратузилмасида, шунингдек, фуқаролар (шу жумладан, вақтинча хавфсиз ҳудудларга кўчирилган аҳолининг), транспорт воситалари ва техникалар гидрометеорологик ва геологик хавфли ҳудудларда ҳаракатланишининг олдини олиш мақсадида қўшимча постлар фаолиятини ташкил қилади ва огоҳлантирувчи белгиларни ўрнатади;

А-373 “М-39 Гулистон-Бука-Ангрен-Кукон ва Андижон оркали Уш” автомобиль йулининг Қамчиқ довони ҳудудида ва бошқа муҳим аҳамиятга эга транспорт коммуникацияларида аҳоли ва транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини таъминлайди.

26. Вилоят Молия бош бошқармаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси:

содир бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини

молиялаштириш манбалари юзасидан вилоят ҳокимлигига таклиф киритади;

тошқин сувлари ва сел оқимларининг барқарор ҳамда хавфсиз утказилишини таъминлаш бўйича тасдиқланган ҳудудий манзилли дастур асосида келгуси йил учун йиғма манзилли дастурлар ишлаб чиқилишида иштирок этади;

йиғма манзилли дастурларга киритилган тадбирлар учун аниқ ҳисоб-китобларга асосан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда инвестиция дастурлари доирасида маблағлар ажратилишида иштирок этади.

27. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят ДСЭО ва ЖСМ билан биргаликда аҳолининг вақтинча ёки доимий кўчирилган жойларида фуқароларга сифатли тиббий хизмат кўрсатади, ушбу ҳудудларда санитария-эпидемиологик назоратни амалга оширади, шунингдек, содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар учун етарли миқдорда эпидемияга қарши ва бошқа дори-дармонлар заҳирасини яратади.

28. Вилоят Автомобиль йўллари бошқармаси, “Қамчиқавтойўл” ИЙФК:

тегишли идоралар билан ҳамкорликда республикада табиий ҳодисалар оқибатида зарар кўрган автомобиль йўллари, кўприклар ва бошқа йўл инфратузилмаси объектларини тиклаш учун зарур бўлган куч ва воситалар доимий шайлигини таъминлайди;

А-373 “М-39 Гулистон-Бука-Ангрен-Кукон ва Андижон оркали Ўш” автомобиль йўлининг “Қамчиқ” довонидан ўтган қисмида ва бошқа муҳим аҳамиятга эга транспорт инфратузилмаларида аҳоли ва транспорт воситаларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш учун ўз вақтида муҳандислик-ҳимоя тадбирларини амалга оширади.

29. Тошқинга қарши вилоят ҳукумат комиссияси томонидан идоралар, маҳаллий ҳокимликларга уларнинг ваколатига кирадиган масалалар доирасида аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича бошқа вазифалар ҳам белгиланганда унинг ижроси таъминланади.

30. Бошқармалар, идоралар, Наманган шаҳар ва туманлар Тошқинга қарши ҳудудий комиссиялари ҳар чорак якуни бўйича аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ишчи органга, вилоят Тошқинга қарши комиссияси ўз навбатида Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясига маълумот тақдим этиб боради.

4-боб. Якунловчи қоида

31. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.